

Ishonch

2019 йил 22 октябрь • сешанба • № 129 (4258)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар!

Азиз дўстлар! Авваламбор, мана шу қувончли айёмда барчангизни азим пойтахтимизнинг марказида барпо этилган, кунги кеча ишга туширилган муҳташам ва улғувор қошонада хуш кайфиятда кўриб, кутлаб турганимдан фойда бахтиёрман.

Сиз, азиятлари, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни тарихий сана – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллиги билан самимий муборақбод этаман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яққол намоён этадиган янги бино ва иморатлар бугун барча шаҳар ва вилоятларимизда кўплаб қад кўтармоқда.

Албатта, уларнинг орасида «Тошкент-Сити» ишбилармонлик маркази алоҳида ажралиб туради.

Гувоҳ бўлиб турганингиздек, «Тошкент-Сити» маркази ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятни яққол мужассам этади.

Майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни қуришдан асосий мақсад – замонавий, «ақли шаҳар» барпо этиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий банк-молия тузилмалари ва инвесторлар учун жонажон Ватанимиз, биринчи навбатда, гўзал пойтахтимиз жозибдорлигини оширишдан иборат.

Биз Ўзбекистон тараққиятини янги босқичга кўтариш мақсадида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясини изчил амалга ошираётганимиздан халқимиз ва халқаро ҳамжамият яхши ҳабардор, албатта. «Тошкент-Сити» марказини барпо этиш гоёси ҳам айнан ушбу стратегия билан бир пайтда туғилган эди.

Ўзбекистон таърибасида биринчи бўлган шундай катта миқёсдаги ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун кўп нарсани янгитдан ўрганишимиз, тинимсиз изланишга тўғри келди.

Қурилиш майдони 1 миллион 600 минг квадрат метрга тенг бўлган янги марказнинг 30 фоизини уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этади.

Барчангиз кўриб турибсиз, бугун бу ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Насиб этса, 2021 йилда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, ушбу марказ халқимизга ва пойтахтимиз меҳмонларига хизмат қилишни бошлайди.

Қисқача айтганда, «Тошкент-Сити» маркази Ўзбекистонда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққиятнинг янги даври бошлангани, бу соҳада биз кўп нарсага қодир эканлигимизни кўрсатади, десак, айна

ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг очиқ ва конструктив сиёсати билан минтақамиздаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланиб бормоқда. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, молиявий институтлар, ишбилармон доиралар томонидан Ўзбекистонда қатор тadbирлар, анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда. Табиийки, келгусида бу жараёнлар янада кучаяди, Ўзбекистон яна кўплаб йирик халқаро саммитлар, форум ва симпозиумларга мезбонлик қилади.

Шу маънода, ушбу муҳташам мажмуа нафақат давлатимиз, балки халқаро аҳамиятга эга бўлган янги ғоя ва ташаббуслар туғилган, муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинадиган масканга айланади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муаззам саройнинг бунёдкорларига – моҳир меъмор ва лойиҳачиларга, ишчи-муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, барча иштирокчиларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Хурматли дўстлар! Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққият даврининг, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлмиш мана шу бетакорор мажмуада биринчи бўлиб она тилимизга – давлат тилига бағишланган тантанали маросимни ўтказаяётганимиз бежиз эмас.

Бугун ушбу муҳташам мажмуага дастлабки азиз меҳмонлар сифатида ташриф булурган сиз, қадрли юртдошларимизни, муҳтарам фахрийларимизни, она тилимизнинг жонкуяри бўлган зиёлиларимизни, депутат ва сенаторларимиз, фаол ёшларимизни, дипломатик корпус вакиллари чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу муаззам қошона барчамизга, бутун халқимизга муборақ бўлсин! Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Қадрли ватандошлар! Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўз-лигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас макомларимизни эшитсин, баҳши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ туссин.

Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар.

Ўтмишда ўлкаимизни босиб олган турли ёвуз кучлар бизни аввало ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, дину диёнатимиздан жудо қилишга қайта-қайта уриндилар. Улар эл-юртимиз бошига қандай азоб-укубатлар, кулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум.

Аммо жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синовларда ҳам ўз озодлиги ва истиқлоли учун мардона курашди. Бу йўлда бехисоб қурбонлар берди. Ҳар қандай зулм ва зўра-вонликларга қарамасдан, ўз она тилини – миллий ғурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди.

Бу борада маънавий жасорат ва фидойилик кўрсатган буюк арбобларимиз, адиб ва олимларимиз, уламоларимиз, улғу санъаткорларимизнинг хотирасини бугун хурмат ва эътиром билан ёд этамиз.

Ушбу кутлуғ айёмни байрам қилар эканмиз, аввало, 1989 йил 21 октябрь санасини – «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кунни эслашимиз ўринлидир.

Юртимизда мустабид тузум ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турган ғоят оғир шароитда халқимизнинг тақдирини ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди. Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Унинг атрофида қандай кизгин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, уйлайманки, кўпчилик юртдошларимиз жуда яхши эслайди. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидойи ва ватанпарвар зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг қатъий шижоати катта ўрин тутди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улғу мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди.

Бу қонун халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги азму қарорининг ёрқин намоёни бўлди. Орадан икки йил ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги айнан она тилимизда жаҳонга эълон қилинди.

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мухташам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон

ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиятнинг янги, янада юксак босқичга кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жаҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, унибўйсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улғу аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида:

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас манбаи

Пойтахтимиздаги муҳташам Халқаро Конгресс марказида 21 октябрь кунини ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, ижодкор зиёлилар, тилшунос олимлар, ёшлар иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йиғилганларни, бутун халқимизни ушбу тарихий сана билан табриклаб, ўзбек тилининг тараққияти ва истиқболлари ҳақида нутқ сўзлади.



21-ОКТАБР
O'ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN



Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини тинглаб...

Бу байрам чинакам байрам бўлди, гўзал она тилимиздек гўзал байрам бўлди, руҳи баян байрам бўлди. Она тилимизга эътиборнинг, ҳурмат ва муҳаббатнинг юксак намоиши бўлди. Она тилига муносабатнинг улғу бир ибрати бўлди.

Она тилини қадрлашнинг ибрати

Тўғриси, байрам бунчалик катта тантана билан ўтишини кутмаган эдик. Она тилимизга бағишланган бундай нуфузли байрамни кўрмаган эдик. Ким ўйлабди, бу байрамда Президентимизнинг иштирок этиши ва катта таъриқ нутқи сўзлашини. Бу-

нинг устига, байрам тантанаси «Tashkent City» ҳудудидаги яқинда фойдаланишга топширилган Халқаро Конгресс марказида ўтказилишида ҳам кишини қувонтирадиган, ғурурлантирадиган катта маъно-мазмун бор.

3

Адолат қарор топган кун

Миллат тақдирига дахлдор қонуннинг ўттиз йилдан сўнг ишлашига ишонч бағишлаган кун

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунни ҳақига кечагидек эслайман. ...1989 йилнинг 21 октябр санаси. Ушанда биз ТoшДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг Журналистика факультети талабалари пахтада эдик. Сирдарё вилоятининг Оқoлтин туманидаги Ворошилов номидаги

3

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

41 Мамлакатимизнинг Асосий қонуни – Конституцияимизнинг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди.

Юртимиз бўйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат маҳияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш урдиради.

Ўзбек тили ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ундо боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланган.

Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий:

«Турк назмида чу мен тортиб алам, Айлади ул мамлакатни аққалам», деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини балан кўтариб, бутун эл-улусни, юрларни шу байроқ остида бириштирдим, деб ифтихор қилган.

Барчамизга яхши аёнки, она тили – миллат маънавиятининг мухтажам пойдевориридир. Улуғ маърифатпарвар бобоимиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти – бу унинг миллий тили ва адабиётидир.

Шу маънода дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат аввало ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади.

Мустақиллик йилларида она тилимизни том маънода давлат тилига айлантириш йўлида катта чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда Ер юзиде 7 мингдан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тилига давлат тили мақомини ҳуқуқий жиҳатдан муҳрлаб берган мазкур қонуннинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бу тарихий воқеадан сўнг лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш ҳақида яна бир муҳим қонун қабул қилинди.

Хурматли ватандошлар!

Бугун жонанон Ўзбекистонимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган устувор гоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Барча соҳалар билан бирга давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўллади ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимызда фаол қўлланмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили равангага бевосита хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда она тилимизда фаолият юритадиган юзлаб боғчалар, мактаблар, олий ўқув юрлари, янги газета ва журналлар, теле-радио каналлар, нашриётлар, маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар ташкил этилаётганини қайд этиш лозим.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда фольклоршунослик, диалектология, туркология, матншунослик каби йўналишлар очилди.

Бу борада янги ўқув дастурлари яратилаётгани, дарслик ва қўлланмалар, рисола ва монографиялар нашр этилаётгани, илмий анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида ўзбек тилининг бугуни ва истиқболи ҳақида амалий тақлиф ва ташаббуслар билдирилаётгани гоят муҳим аҳамиятга эга.

Хабаримиз бот, азиям пойтахтимиз марказидаги Миллий боғ ҳудудида Адиллар хиёбони бунёд қилинмоқда. Бу ўзгал масканда барпо этилаётган ёдгорлик мажмуалари адабиётимизнинг буюк намояндалари, ўзбек тилининг чинакам жонқуярлари хотирасига бағишлангани айниқса эътиборлидир.

Она тилимиз ва миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бой ҳазинаси,

таровати ва нафосатини ёш авлодимизга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларида ижод мактабларини ташкил этди. Муҳаммад Ризо Оғаҳий, Исҳоқ-хон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида энг аввало ўзбек тили ва адабиётини, бадий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шароит яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишда она тилимиз ҳам катта ҳисса қўймоқда.

Ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университети ва 100 дан зиёд мактабда ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Шу борада мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида «Ўзбек тилининг дўстлари» клублари ташкил этилаётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги қувончимизга шерик бўлаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига уларнинг юрларида ўзбек тилига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун ташаккур изҳор этаман. Айниқса, Ўзбекистондаги хизмат фаолияти давомида ўзбек тилини ўрганиб, фаол мулоқот қилаётган хорижий дипломатларга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Сизларга яхши маълум, яқинда Ўзбекистон Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Бу, ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақомини юксалтиришга хизмат қилади.

Кенгаш саммитида билдирган ташаббусларимиз, хусусан, қардош халқлар адабиётининг энг сара намуналари мужассам бўлган юз жилдик «Туркий адабиёт ҳазинаси» китоблар туркумини аъзо давлатларнинг она тилларида нашр этиш тақлифимиз ижобий қабул қилинди.

Азиз дўстлар!

Давлат тилини ривожлантиришга қаратилган ишларимизнинг мантқиқий давоми сифатида бугун мамлакатимизда яна бир муҳим қадам қўйилди. Мен бугун «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маънавий тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекдим. Унга биноан «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами куни» деб белгиланди.

Ҳурматли аюкман, ўзбек тили байрамининг мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг нишонланиши халқимизнинг миллий руҳи ва ғурурини юксалтириш билан бирга, давлат тилини ҳаётимизда тўлақонли жорий этишга хизмат қилади.

Ушбу фармонда она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида Вазирилр Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилганини ҳам сизларга маълум қилмоқчиман.

Бу тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан кўплаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда.

Глобаллашув шароитида миллий ти-

лимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Тўғриси айтиш керак, бу масалада ҳам оқсоқлигимиз бор эди. Шу муносабат билан фармонда янги сўз ва атамаларнинг расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган Атамалар комиссиясини тузиш масаласини ҳам назарда тутдик.

Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эътиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизда бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Қадрли юрдошлар!

Маълумки, Ватанимиз неча юз йиллар мобайнида буюк цивилизация ва маданият марказларидан бири бўлган. Қадимдан диёримизда халқимиз билан бирга турли миллат вакиллари елкадош, ақил ва ҳамжиҳат бўлиб, тинч ва оқсоқлик муҳитида яшаб келадилар.

Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли эл бошқаларини она тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайди. Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли, ҳозирда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда. Тошкент шаҳри ва жойларда фаолият кўрсатаётган 140 га яқин миллий маданий марказ айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият олиб бораётгани халқаро жамоатчилик томонидан ижобий ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда.

Дано халқимиз «Тил билган – эл билди» дейди. Бу борада буюк боболаримиз ибрат ва намуна кўрсатганлар. Хусусан, Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиз ўнлаб тилларни пухта билганлари учун ҳам жаҳон илм-фанининг юксак қўққиларини забт этганлар.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида инглиз, рус, немис, француз, испан, италян, араб, форс, турк, хитой, япон, корей, ҳинд ва урду тиллари чуқур ўқитилаётгани бу анъаналар давом этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Биз ёшларимизнинг жаҳон тилларини эгаллашга бўлган улкан қизиқиш ва интилишларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

Мен бугун азиз болаларимизга мурожаат қилиб, улуғ аллома, XX аср бошида олти тили – ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида луғат тузган Исҳоқхон Ибратнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: «Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилини билиш учун сазъ-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эътиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир».

Ҳурматли аюкман, бу сўзларга ортиқча изохнинг ҳожати йўқ.

Хурматли аюкман қатнашчилар! Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва маънавий янада ошириш бўйича олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Аввало, бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонунни бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, такомиллаштириш зарурати сезилмоқда.

Яна бир муҳим вазифа фундаментал тадқиқотлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, санъат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа тармоқларда давлат тилини тўлақонли қўлаш билан боғлиқ.

Ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллатларга мансуб ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганишлари учун тегишли шароит яратиб бериш, юртимизда ва хорижда ўзбек тилини ўр-

гатадиган ўқув марказларини кўпайтириш зарур.

Шу мақсадда янги дарсликлар, қиёсий ва турли соҳаларга оид луғатлар, иш юритиш ва сўзлашув қўлланмалари нашр этиш, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш, бу тизимга тўлиқ ўтиш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур. Бу ишлар учун молиявий ресурслар ва маблағларни асло аямаслигимиз керак.

Ўзининг бебаҳо асарлари билан она тилимизнинг қадрини ва қаддини тиклаган буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукамал энциклопедиясини яратиш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларимиз турли маълумотларни асосан Интернет ва ижтимоий тармоқлардан олмақда. Бинобарин, она тилимизни жозибали ва қизиқarli тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компьютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон луғатларини яратиш керак. Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни кучайтиришимиз лозим.

Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан синдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукамал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида равон ўқийдиган, равон ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу – бу жой номларини белгилаш масаласи, десак, хато бўлмайди.

Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларида акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга белсандикдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан, Вазирилр Маҳкамаси Атамалар комиссияси билан биргаликда ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиши зарур.

Чунки ижтимоий объектларга ном бериш – бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз халқимизнинг тақдир, эртанги кун ҳақида уйлр эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўнаҳ урф-одатларимиз, бетакрор санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачиқдай сақлашимиз зарур.

Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эътиром ва садоқатни она Ватанга эътиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим.

Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоатимиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак.

Мухтарам ватандошлар! Сизларни ва бутун халқимизни ўзбек тили байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклияман. Барчангизга сийҳат-саломатлик, оилаларингизга файзу барақа, бахту саодат тилаяман.

Ўзбек тили – она тилимизнинг нуфузи, обрў-эътибори янада зиёда бўлсин!

Шундай бебаҳо бойлик соҳиби бўлган, уни ҳаммиша асраб-авайлаб келаётган азиз халқимиз омон бўлсин! Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

41 1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирилик, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябрь санасини «Ўзбек тили байрами куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси тузилмасида ходимларининг умумий чекланган сони 9 та штат бирлигидан иборат Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилсин ва унинг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Куйидагилар Давлат тилини ривожлантириш департаментининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш; давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

ўзбек тилининг ёзма нутқи метёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасида ишларни жадаллаштириш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, «Ўзбек тили байрами куни»ни нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, география ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш;

давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси:

а) уч ой муддатда: «Ўзбек тили байрами куни»ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини;

б) «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қо-

нунини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан такомиллаштиришга чўқур ўрганиш ҳолда унинг таҳриридаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

б) икки ой муддатда хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилсин;

в) 2020 йил 1 июнга қадар куйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳаларини киритсин;

мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, санъат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш;

давлат тилини қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам ва ҳар томонлама ўрганиш, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликларини ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирилр Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 21 октябрь

Миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас манбаи



41 Тил миллат мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, унинг паспортидир. Тилнинг бутун қудрати, сехру жозибаси, аввало, ана шу тилнинг яшовчанлигида, унда яратилган бадиий адабиётда намоён бўлади. Шу боис ўзлигини таниган ҳар бир миллат она тили ва адабиётини асраб-авайлайди, унинг ривожини йўлида бор куч-саложиятини сафарбар этади.

Мустабиб тузум даврида миллий тилларни, жумладан, ўзбек тилини ҳам йўқотишга кўп уринишлар бўлди. Она тили миллатимиз зиёлилари каби қатағон қилинди, давлат идоралари туғул оддий давраларда ҳам сўзлашиш воситаси сифатида ўрнини йўқотар даражага келиб қолди.

Ана шундай бир пайтда, миллий истиқлол арафасида халқимиз ўз она тилини – миллий гурурини сақлаб қолди. Миллатпарвар зиёлилар, тилимиз фидойиларининг жонкуяриги натижасида 1989 йил 21 октябрь куни қабул қилинган қонунга асосан, ўзбек тили мамлакатимизда давлат тили мақомига эга бўлди. Мустабиб тузум даврида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши Ватанимиз мустақиллиги сари қўйилган дастлабки қадам эди.

«Хар қайси халқнинг «она» тили унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, миллий ғоясининг асосини ташкил этади. Тил ва халқ тушунчалари барча замонларда ўзаро уйғун ҳолда идор қилинган. Тилсиз халқ ва халқсиз тил бўлмайди.

Мустақиллик йилларида она тилимизнинг мақоми тиклаш, ўзбек тилини кенг истеъмолга киритиш маънавий соҳадаги ислохотларнинг ўзига айланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар ва қарорлар ўзбек тилида

илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Бугунги кунда мамлакатимизда шакланган одил ва холис тил сиёсати натижасида ўзбек тили нуфузли минбарлардан янграмоқда, хорижий мамлакатларда ўзбек тилини ўрганишга иштиёқ тобора кучаймоқда. Ўзбекистоннинг яқинда Туркия тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлиб қўшилгани ҳамда Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган ташкилотнинг навбатдаги саммитида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этгани ўзбек тилининг нуфузини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди.

Президентимизнинг жорий йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тилини улуғлаш, унинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётидаги нуфузини юксалтиришда бекиёс аҳамият касб этади.

Мазкур қарорга мувофиқ, жойларда ўзбек тили байрамлари, сайилар, адаблар билан учрашувлар, давра сўхбатлари, мактабларда иншолатановлари ўтказилди, театр ва кино-театрларда, маданият саройларида буюк алломаларимиз ҳақида спектакллар, фильмлар намойиш этилди.

Бундан ўттиз йил олдин қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонун нечоғли тарихий ҳужжат бўлса, Президентимизнинг ушбу санани нишонлаш тўғрисидаги қарори ҳам ана шундай аҳамиятга эга,

– дейди ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёт ва фольклори институти директори Низомиддин Маҳмудов. – Ўзбек тили ўттиз йил давомида жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўзбек тилининг янги беш жиллик изоҳли луғати, ўзбек қомусий луғати нашр қилинди. Мазкур тантананинг Ўзбекистонга кўрку салобат бахш этиб турган янги саройда ўтказилаётгани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Бу бинолар мустақил юртимизнинг миллий тикланишдан – миллий юксалишга интилаётгани далолати бўлиб, тил байрамининг мазкур мақнада нишонланиши она тилимизга бўлган юксак ҳурматнинг яққол ифодасидир.

Ушбу тарихий санадан ўттиз йил ўтиб бу борада яна бир кўтлуг қадам қўйилди. 2019 йил 21 октябрь куни Президентимизнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Фармонга биноан 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами кун»и деб белгиланди.

Тантанали маросимда эълон қилинган ушбу хушxabарни бутун халқимиз катта хурсандчилик билан қарши олди.

Президент она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мавқеини янада ошириш, «Давлат тили ҳақида»ги қонунни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб тақомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Бу борадаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Байрам тадбири сўнггида санъат усталари иштирокида Ватан, халқ, ва она тилимизни тараннум этувчи концерт дастури намойиш этилди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА муҳбири



Тил – миллат кўзгуси

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги кенг нишонланмоқда. Она тилимизнинг асосларини ўрганиш, миллий қадриятларимизга, ўз она тилимизга муҳаббат ва садоқатни аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқур синдиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бугун 21 октябрь – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан байрам тадбири ўзбек тилига чуқур ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида пойтахтимиздаги Алишер Навоий хайкали пойга гуллар кўйиш билан бошланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган байрам тадбирида вазирликлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

...1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонун юртимиз мустақиллиги йўлида ташланган биринчи қадам ва қатъий қадам эди. Илғор зиёлилар қалбида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, демек Ўзбекистон, албатта, мустақил давлатга айланади, деган умид пайдо бўлгани ҳам ҳақиқат.

Мана ўша воқеаларга ҳам 30 йил бўлди. Тадбирда сўз олганлар мустақиллик йилларида ўзбек тили ҳақиқий сиёсат тилига айлангани, давлат тилида сиёсат олиб борилаётгани, мустақиллик йилларида янги ўзбек дипломатик тили шаклланиши эътироф этилди.

– Мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузи ордиб бораётгани сари тилимизга хорижликларнинг қизиқиши ҳам кучайиб бораёпти, – деди филология фанлари доктори, профессор Абдулҳай Собиров. – АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Қозғоғистон, Тожикистон ва бошқа кўплаб мамлакатларда ўзбек тили олий таълим муассасасида ўқитилади. Туркия Республикасининг 70 дан ортиқ олий таълим муассасасида ўзбек тили ўргатилади. Бу биз билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишни истаётган ҳар қандай давлатга ўзбек тилини боладиган мутахассислар кераклиги билан боғлиқдир.

– Мана шундай қувончли кунда, муҳим тадбирда иштирок этаётганим, шевр ўқганим ва буюк мутафаккир, аллома, ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий хайкали пойга гул кўйишда иштирок этганимдан жуда фахрланамиз, – деди Абдулла Қодирий ижод мактаби ўқувчиси Сабина Самадзарова. – Ўйлайманки, тилимизнинг кўркамлиги, бойлигини дунёга тараннум этиш, биз – ёшларнинг зиммасидаги масъулятли вазифа. Шунда Ўзбекистон фарзанди, ўзбек қизи деган номни, масъулятни оқлаган бўлардим.

Байрам тадбирида шеърлар ўқилди, куй-қўшиқлар янгради. Тадбир доирасида иштирокчилар «Адиблар хиёбони»да ҳам бўлиб, ўтганлар руҳи ёд этилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА муҳбири



Она тилини қадрлашнинг ибрати

41 Табрик нутқида билдирилган фикрлар эса барчамизнинг қалбимизда фахр-ифтихор, гурур туйғуларини тўлқинлантириб юборди. Она тилимиз қанчалик қадим, бой ва ўзгал тил эканини яна бир бор гурур-ла ҳис этидик. Ҳақиқатан ҳам ҳар қанча фахрлансак арзийдиган она тилимиз бор. Бугун ўзбек тили дунёнинг ўнлаб мамлакатларида ўрганилаётгани, мамлакатимизда ишлаётган дипломатлар она тилимиз – ўзбек тилида гапирётгани тилимизга, халқимизга ҳурматни билдиради ва бу бизга қувонч бағишлайди, албатта. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида она тилимиз тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида кўп фикрлар айтиди. Дарҳақиқат яқин ўтмишда она тилимиз кўп синовларни, зуғумларни, камситишларни бошидан кечирди. Аммо қадди бүклимади, енгилмади, халқимиз билан бирга яшаб келди, яшаб қолди... Мустақиллик йилларида тилимиз мавқеи, қадри ошди, ривожланди, бойиди.

Аммо Президентимиз нутқини тинглаётиб, тилимиз софлигини сақлаш, уни ривожлантириш бўйича ҳали қиладиган ишларимиз оз эмаслигини, тил маданияти, она тили қонун-қоидаларига амал қилиш, бошқача айтганда она тилимизни эъзозлаш, бошимизга кўтариш, жаҳонда мавқеини ошириш бўйича кўп ишларни қилишимиз лозимлигини англадик:

Айниқса, биз ижодкорлар, тилшунос олимлар ўзимизга бир саволни беришимиз керак:

– Президентимиз нега бизни бир жойга тўплаб, она тилимиз тўғрисида нутқ сўзлади? Бунинг маъно-маъмуни нимани аналатади? Иккинчидан, табрик нутқида билдирилган фикрлар мағзини қақиб, тегишли хулосалар чиқариб олмагимиз керак бўлади, деб ўйлайман. Президентимиз табригини тинглаб, шундай хулосага келасан киши: Онали ҳимоя қилиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчи бўлганидек, она тилини ҳимоя этиш, онадек эъзозлаш, улуғлаш ҳам муқаддас бурчимиздир.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Адолат қарор топган кун

Булар бугунгача бўлган ҳолатимизнинг аччиқ чизгилари... 2019 йил 4 октябр. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади. Бу хабардан юраклар бир қалқди. Кўнгилда яна балқиб умидлар шуълаланди. Хайрият. Зиёлилар яна оташ бўлиб ёнди. Кўнгилдаги гаплар юзага чиқди. Матбуотда, телевидение, радио, ижтимоий тармоқларда бўй кўрсатди. Одамлар уйғонди. Ахир тилга эътибор – элга эътибор эди-да! Халқнинг қадди кўтарила бошлади.

2019 йил 21 октябр. Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиллигида иштирок этди. Она тилимиз ҳақида, унинг истиқбол ҳақида ёниқ маъруза қилди.

Бугун дунёга ўзимизни кўрсата оладиган, кимлигимизни исбот этган, қисқа вақтда бунёд этилган мухташам Халқаро Конгресс марказида биз муштоқлик билан кутган фикрлар айтилди.

Ўзбек тилининг давлат мақомига эришган кун умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

Байрам қачон қилинади? Шу кун инсон учун қадри бўлса! Шу кун инсон ҳаётида унутилмас, сира-сира унутиб бўлмас кун бўлса!

Президентимиз 21 октябр санасини юртимизда «Ўзбек тили байрами кун»и деб белгилаш ташаббуси билан чиқди. Бунга она тилимиз фидойилари, зиёлилар, бутун халқимиз улкан хушxabар сифатида бекиёс хурсандчилик билан қарши олди. Бу кун миллат учун унутилмас кун эди. Шундай бўлиб қолажак ҳам.

Ахир тил байрами – эл байрами. Ўзликка қайтилган кун сифатида мангуликка дахлдордир. Тилсиз миллат бўлмайди. Бу кунни нишонлаш ўзликни нишонлаш, онани эъзозлаш, авлодлар давомида миллат руҳини сақлашни нишонлаш демекдир.

Энг муҳими, энди бу кун олдингидек мавсумий ва шунчаки эста олиб кўйиш билан ўтилмайди. Ҳақиқий байрам бўлади. Яна ҳам муҳими шуки, унга мустаҳкам асослар билан тайёрларик кўрилади.

Гап шундаки, Президентимиз шундай тақдирни ўртага ташлади: она тилимиз мавқеини кўтаришни ўзимиздан, оиламиздан, жамоамиздан бошлайлик. Бу адолати ва айна вақтда энг тўғри ташаббусдир. Зеро, давраларда она тилимиз истиқболи ҳақида оғзимиз кўпириб гапирса-у, оиламизда, жамоамизда чўчмак тилда сўзласак, бундай тил ривожланмайди.

Президентимиз ўз нутқида таълимнинг барча босқичларида она тилимизни ўқитиш савияси, сифатини ошириш, замонавий технологиялар билан мукамаллаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Дилдаги гаплар эди бу. Уни-да барчамиз бир хушxabар ўлароқ дилдан қўлга кўчган қарсақлар билан қабул қилдик. Юрак-юрақдан қўлаб-қувватладик. Зотан она алласи билан қонимизга кирган тил таълим билан сайқал топади. Таълим она тилида бўлмас экан, ўзга тил орқали ўзга миллат маданияти ҳам руҳиятга сингиб боради. Она тилида ўйланган инсон миллат тақдирини ўз тақдирини деб билади. Биз қўзлаган мақсад ҳам аслида шу.

Давлатимиз раҳбари кўча ва объекتلарнинг номланиши хусусий иш эмас, балки миллат маънавияти, унинг бебаҳо бойлиги бўлган тилга бўлган эътиборнинг инъикоси эканини қатъий тарзда таъкидлади.

Президент фармонида биноан Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти, шунингдек, тилимизга янги атамаларнинг кириб келиши билан боғлиқ турли чалқашликларни тартибга солиш бўйича Атамалар комиссияси ташкил этилиши ҳақидаги хабар барча йил-ганлар томонидан самимий олқишлар билан кутиб олинди.


Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлган Ўзбекистоннинг яна бир эзгу тақлифи – туркий тили давлатлар ёзувчиларининг энг сара асарларидан ҳар бир тилда юз жилдди асарлар тўпламини нашр этиш борасидаги ғоянинг аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қабул қилингани эса қалбларимизда ифтихор ҳиссини янада жўш урдирди.

Байрам тантаналарининг бадиий қисми ҳар бир иштирокчида ўчмас из қолдирарди тайёрлангани билан эътиборли бўлди. Жонли ижро, халқимизнинг асл санъати намуналари саралангани, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева каби миллат ифтихорига айланган шоирларнинг ўз тилларидан она Ватан мадҳини юксак чўққиларга олиб чиқилган асарларининг ўқилган тасмалари қўйилганида кўзлар намланди, мумтоз санъатнинг ҳар уч йўналишидаги ноёб ашулаларнинг дастурдан ўрин олгани эса ҳеч бир зиёли эътиборидан четда қолмади.

Булар бугунги кун чизгилари... Энди... Биз бундан ўттиз йил илгариги ўша тарихий кунни яши эслаб юрганимиз каби 2019 йилнинг 21 октябри ҳам хотирамизда она тилимизга эътибор, истиқлолни мустаҳкамлаган кун сифатида қолиши, шубҳасиз. Фақат энди у ярим ифтихор-у, ярим масъулятли хотира эмас, балки шуруримизга ҳар бир инсон ўз миллатининг келажиги учун масъул, ўз она тилининг тақдирини учун жавобгар, деган бир оташин ва мукамал, бутун бир вазифа ва бурчини елкалаган тарихий кун сифатида эсланажак.

Она тилимизнинг баралла жаранлагани – истиқлолимиз янада мустаҳкамлангани барчамизга муборак бўлсин!

Ҳусан ЭРМАТОВ,
журналист



Ислоҳот самараси

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмасини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилашга қаратилган давлат дастурлари қабул қилиниб, улар доирасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Энг чекка қишлоқларда ҳам қад ростлаётган замонавий таълим муассасалари, спорт, соғлиқни сақлаш иншоотлари, электр энергияси, газ, тоза ичимлик суви таъминотининг яхшиланаётгани аҳоли фаровонлигига хизмат қилаётди.

Ҳаётбахш лойиҳалар рўёби

Буни Қизириқ тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг «2018-2019 йилларда Сурхондарё вилоятининг Қизириқ тумани комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида туманда 298 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Булар асосан сановат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги, йўл-транспорт ва муҳандислик, коммуникация, ижтимоий соҳа инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, умумий қиймати 1 триллион 89 миллиард 366 миллион сўмга тенг. Ушбу лойиҳалар амалга оширилса, 2819 та янги иш ўрни яратилади.

«Работак» марказий сув тўплаш ва 3 та сув кўтариш насос станцияларига эса ишлар давом этмоқда. Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 2017 йилда 27 фоизни ташкил этган бўлса, айти паллада бу кўрсаткич 50 фоиздан ортди.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига «Халқ банки» ҳисобидан 1 миллиард 465 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди. «Шодлик», «Қишлоқозон», «Работак», «Етимқум», «Янги кент» ҳамда «Янги турмуш» МФЙ ҳудудларида ҳам бунёдкорлик ишлари авжида.

Ҳозиргача инвестиция лойиҳаларининг 115 таси бажарилди. Бунинг натижасида 900 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Жорий йил якунига қадар қиймати 749 миллиард 145 миллион сўмлик 31 та лойиҳа якунига етади. 68,3 миллиард сўмлик 95 та лойиҳа бўйича ишлар қизғин.

Табииyki, қишлоқларнинг тарқоқ жойлашгани йўлсозлик, ичимлик ва томорқа суви масалаларига алоҳида эътиборни талаб этади. Сурхондарё вилояти «Сувоқова» ДУКнинг Қизириқ филиали бошлиғи Шухрат Шодмоновнинг таъкидлашича, тумандаги «Янги ҳаёт», «Якка терак», «Боғбонлар юрти», «Иламбоб», «Пахтакор», «Бектепа» сув тўплаш ва тарқатиш иншоотларида қурилиш ишлари тўлиқ бажарилган.

Табииyki, қишлоқларнинг тарқоқ жойлашгани йўлсозлик, ичимлик ва томорқа суви масалаларига алоҳида эътиборни талаб этади. Сурхондарё вилояти «Сувоқова» ДУКнинг Қизириқ филиали бошлиғи Шухрат Шодмоновнинг таъкидлашича, тумандаги «Янги ҳаёт», «Якка терак», «Боғбонлар юрти», «Иламбоб», «Пахтакор», «Бектепа» сув тўплаш ва тарқатиш иншоотларида қурилиш ишлари тўлиқ бажарилган.

Туманда тадбиркорликка ҳам кенг имконият яратилмоқда. Масалан, «Карвон ТСТ» МЧЖ 2 гектар майдонда 682 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағи ҳисобига замонавий иссиқхона ишга туширди. «ЭКО культура. UZ» компанияси 300 гектарлик майдонда қиймати 120 миллион АҚШ доллари миқдоридagi замонавий иссиқхона ташкил этиш лойиҳасини амалга оширмоқда. Иссиқхонада ички муҳандислик-коммуникация тармоқлари ўрнатиб бўлинди. 50 нафар мутахассис Россияда малака оширмоқда.

Хуллас, Қизириқ даштларида ўзгаришлар катта. Бу одамларни мамнун қилиб, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Хуллас, Қизириқ даштларида ўзгаришлар катта. Бу одамларни мамнун қилиб, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ, «ISHONCH»



Бугун дунёнинг у бурчида бўлган воқеа ҳақида дунёнинг бошқа чеккасида яшаётган одам бир зумда хабар топмоқда.

Турли ижтимоий тармоқлар, интернет тобора ривожланиб бормоқда. Айниқса, блогерлар турли шов-шувли, асосли-асоссиз хабарларни тарқатиши билан машғул. Бундай мураккаб шароитда даврий босма нашрлар ҳар қачонгидан долзарблик касб этиши даркорлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, обуна ва тарғибот масалаларида бутун дунёда ўзини оқлаган бозор механизмларини кенг жорий этиш, очиқлик ва соғлом рақобат шароитига мослашиш бўйича бажарилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Ҳўш, «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳририяти бу борада қандай ишларни амалга оширишни режалаштирган? Таҳририят олдида ечимини кутаётган муаммолар нималардан иборат? Жиззахлик муштарийлар билан бўлиб ўтган ижодий учрашууда ана шулар тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ВА ЗУЛФИЯ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Жиззахга таширф буюрган меҳмонларнинг Ҳамид Олимжон ва Зулфия Ҳебонини зиёрат қилиши анъанасига айланган. Сўлим Ҳебон эрта тонгдан таҳририят ижодий жамоаси ва учрашува келган газетхонлар, вилоят жамоатчилиги, олимлар, адабиёт ихлосмандлари, ёшлар билан гавжум бўлди. Президентимиз раҳнамолигидан мумтоз аъналаримизни ривожлантириш, ёш авлод тарбиясида унинг таъсирчан кучидан самарали фойдаланиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижодининг ўзбек адабиёти ривожига тутган ўрни хусусида сўз юритилди.

Жиззах заминидан туғилиб ўсган кўпжаб зиёлиларимиз жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига, инсоният маънавияти юксалишига улкан ҳисса қўшган, адабиёт ва санъат равнақи йўлида самарали хизмат қилган, – дейди Жиззах Давлат педагогика институтини доценти Абдурашид Холмуродов. – Оташнақ шoir, юксак истеъдод соҳибига Ҳамид Олимжон ана шундай сиймосидан бири бўлиб, унинг бой адабий мероси маънавий хазинамизнинг бебаҳо мулкидир.

Тадбир иштирокчилари Ҳамид Олимжон ва Зулфия уй-музейида ҳам бўлишди. Айни вақтда музейда ижодкорларга тегишли 1 минг 911 та турли экспонатлар таъриф қилинди.

натлар уларнинг ижодий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Шундан сўнг ижод мактаби муштарийларнинг газеталар таҳририяти ижодкорлари билан самимий мулоқоти бўлиб ўтди.

Газеталаримиз жамиятимиздаги ўзгаришлар қатори касбабо уюшмалари ҳаётини тўлиқ ёритиб келаётгани биз учун муҳим аҳамиятга эга бўлаётди, – деди Жиззах вилояти касбабо уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратилла Пардаев. – Бугун унинг саҳифасида касбабо уюшмалари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлардан тортиб бошланғич ташкилотлар фаолиятигача кенг ўрин олган. Унинг ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса жамоасига етиб бораётгани сабаби ҳам шунда.

Муштарийлар газета фаолияти ва келажакдаги режалар билан таништирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтган даврда таҳририят касбабо уюшмалари ҳаёти билан бирга халқ таълими соҳасидаги бир қатор масалаларни кўтариб чиқди. Миллат маънавиятини оғриқли жиҳатлари бош мавзулардан бири бўлди, иқтисодий йўналишда ҳам қалам тебратиш, салмоқли сўз айтишга ҳаракат қилинди. «Илк ва сўнгги сўзимиз: ВАТАН», «Олтин ўлка», «Матбуотнинг оғриқли нуқталари», «Хатолардан холи бўлмаган ишлар», «Иқтисодиётдаги чекловлар: фойдами ёки зарари?» каби ўнлаб мақолалар тайёрланди. Кимнингдир дардига малҳам бўлиш, кимнингдир қалбига ўт солиш, кимнингдир юрагига дамийта дахлдорлик ҳиссини юзага келтириш мақсади кўзланди. Газеталарнинг ҳар бир саҳифасида халқ таълишилари ва қувончларини акс эттиришга ҳаракат қилинапти. Мақсад – жамият қалбига дардларни даволаш, одамлар кутаётган гапни айтиш, янгилинилар моҳиятини хolis ва ҳаққоний ёритиш. Бугун кимдир уйламай-нетмай «матбуот, босма оммавий ахборот воситаларининг умри тугади», дейишгачам борди. Қарангки, таги пуч сафатини ёқловчилар ҳам бор экан. Бироқ таҳририят бунга мутлақо қўшилмайди. Чунки оммавий ахборот воситаларининг ҳеч бири матбуот билан тенглаша олмайди! Газета жамиятнинг энг саводли, энг «зиёли», «академик» филтридир. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Демак, матбуот яшашни керак, у яшайди ҳам!

Учрашув давомида газета саҳифаларида берилаётган мақолаларнинг мазмун-мундарижаси борасида муфассал фикр алмашилди.



«Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганнинг 30 йиллиги арафасида ўтаётган ушбу учрашууда газетанинг миллий ўзлигининг муҳим белгиси бўлган тилимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирмасдан бўлмайди, – деди Жиззах давлат педагогика институтини доценти, филология фанлари номзоди Усмон Қосимов. – Аввало, газета ахборот олиш ва тарқатиш манбаи бўлибгина қолмасдан, ўқувчи маънавиятини, тил бойлигини, нутқини ўстиришда алоҳида ўрин тутиши билан оммавий ахборот воситаларининг бошқа турларидан фарқ қилади. «Ishonch» газетаси ўзининг ана шу маърифий вази-фасини шараф билан бажариб келаётди. Хусусан, газетда тилимиз қонун-қоидаларига риоя қилинган, она тилимизнинг сўз бойлигидан самарали фойдаланишга доир долзарб бадий публицистик, танқидий мақолалар берилаётгани айни мuddадо бўлмоқда.



«Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганнинг 30 йиллиги арафасида ўтаётган ушбу учрашууда газетанинг миллий ўзлигининг муҳим белгиси бўлган тилимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирмасдан бўлмайди, – деди Жиззах давлат педагогика институтини доценти, филология фанлари номзоди Усмон Қосимов. – Аввало, газета ахборот олиш ва тарқатиш манбаи бўлибгина қолмасдан, ўқувчи маънавиятини, тил бойлигини, нутқини ўстиришда алоҳида ўрин тутиши билан оммавий ахборот воситаларининг бошқа турларидан фарқ қилади. «Ishonch» газетаси ўзининг ана шу маърифий вази-фасини шараф билан бажариб келаётди. Хусусан, газетда тилимиз қонун-қоидаларига риоя қилинган, она тилимизнинг сўз бойлигидан самарали фойдаланишга доир долзарб бадий публицистик, танқидий мақолалар берилаётгани айни мuddадо бўлмоқда.

Газетани мунтазам кузатиб бораган, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси фахрийлар кенгашининг раиси Саидхон Мирзабеков. – Айниқса, кейинги пайтда чоп этилган мақолалар алоҳида ажралиб туради. Эврил Туроннинг «Олтин ўлка» эссесини ўқидим. Муаллифнинг ушбу асарида янги фикрларни ўқидим. Жиззах ўлкаси, қишлоқлардаги ажойиб атамалар ажойиб тарзда талқин этилган. Бундан ташқари, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Илк ва сўнгги сўзимиз: Ва-

тан» номли мақоласи теран мазмун-моҳияти билан одамни мулоҳаза ва мунозарага чорлайди.

Очиги, ушбу мақола катта жасорат билан ёзилган. Мен ўтган чорак асрда бу каби миллий дардини елкалай олган таҳлилий мақола ўқимган эдим. «Ishonch» газетаси таҳририяти бу каби халқ маънавиятини юксалтириш мавзусидаги чуқур таҳлилга асосланган чиқишларни бераётган газеталаримизнинг олд қаторига чиқиб олди.

Учрашууда Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиётов, Жиззах политехника институтини кутубхоначиси Зулфия Қосимова, меҳнат фахрийси Анорбой Расулов газетани ўқувчиларга етказиб бериш тизимини яхшилаш, уни ранг-баранг саҳифалар билан янада бойитиш хусусида бир қатор таклифлар беришди.

Юзма-юз мулоқотда газетани яна ҳам ўқитиш қилиш, унинг мазмун-мундарижасини кенгайтириш, давр талабидан келиб чиқиб ўқувчининг ахборотга талабини қондириши учун нималарга эътибор қаратиши кераклиги борасида ҳам турли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Учрашууда муштарийларга газеталар ижодкорлари тайёрлаган «Бир йилга бир назар» китоби ва «Ishonch» газетасининг Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан чоп этилган махсус сони совға қилинди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»



ОНА ТИЛИМ

Аждодлардан мангу мерос, Туркиликим жон томири. Хайқираман доим рўй-рост: Қудратим у кучим сирини — Она тилим, она тилим.

Умидворман иқболдан, Орзуларга тўла дилим. Тотсам дейман дур болингдан Баҳра олса ундан элим — Она тилим, она тилим.

Моҳинур БОЛТАЕВА, Сергели туманидаги 277-мактаб ўқувчиси



СЎЗ ҚУДРАТИ

ёхуд унинг бемор руҳиятига таъсири хусусида

Халқимизда «Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади», деган пурмаъно нақл бор. Инсон руҳияти ҳамиша яхши сўзга ошуфта, руҳ ширин сўздан озикланади, мадад олади. Яхши сўз, ҳушмуомалалик ҳар қандай кишининг, у қандай ҳолатда бўлишидан қатъи назар руҳиятини кўтараяди, беморларнинг эса соғайиб кетишига умид бағишлайди, яшашга истак ортади. Аксинча, қўполлик, дағал гап кишининг дилини ҳуфтон қилиб, ақлдан оздиради, ҳаттоки оғир жиноятларга ҳам етаклайди.

Шифокорлик касби инсондан хушфелилик, ширинсуханлик, ўткир зеҳнлик, ўз касбининг моҳир билмидони ва маданияти бўлишини талаб этади. Бемор билан мулоқотда айтиладиган сўзлар олдиндан обдан ўйланган, руҳиятини кўтаришга қаратилган бўлиши лозим. Сўзининг кучи билан оғир беморни ҳаётга қайтариш, унга куч-қувват бағишлаш мумкинлиги ҳақида тиббиёт илмининг етуқ мутахассислари, жамоат арбоблари ва доно халқимизнинг мақолларида кўплаб мисоллар келтирилган.

В асрда яшаб ижод қилган Сўқрот «Қалбни даволамасдан туриб, танани даволаб бўлмайди», деган эди. Бобомиз Ибн Сино нажот сўраб келган беморга шундай деб айтган экан: «Бизлар учтамыз: сиз, касаллигингиз ва мен. Агар сиз мен томонда бўлсангиз, исқаламиз биригилдик касалликни енгамиз. Агар сиз касаллик тарафга ўтиб олсангиз, мен бир ўзим қоламэн. Унда касаллик бизни енгади». И.Павлов ўзининг устози С.П.Боткин тўғрисида шундай ёзади: «Унинг (С.П.Боткиннинг) беморлар орасида мавқеи шундай ҳам зўр эдики, унинг беморни бир кўриши ва текшириши ёки бир оғиз сўзи беморни соғломлаштириб юборарди».

Сўзининг кучи тўғрисида бир мисол: Германия канцлери Отто фон Бисмаркни кўпгина шифокорлар даволашга уринган, аммо нажот бўлмаган. Шунинг учун унга Швеннингер исмли шифокор маслаҳатини тавсия қилишган. Швеннингер унга ананимез йиғиш учун савол бера бошлаганида «Менингу зуъндан-узюк сўхбатлаш» деб ўтиришга вақтим йўқ» деб жавоб қайтарди. Шунда Швеннингер «ундай бўлса, сиз ветеринарга мурожаат қилинг», деб чамадонларини йиғиштириб кета бошлаган. Бу сўз Бисмаркка қаттиқ таъсир этиб, дарҳол уни қайтаришни буюриб, бер-

Мўъжиза

ган саволларига жавоб беришга рози бўлади ва даво-ланишни бошлайди. Орадан йиллар ўтиб соғайиб кетгач, шундай деган экан: «Олдинги шифокорларимни мен даво-лаган эдим. Швеннингер эса мени даволади».

Шифокорнинг беморни ҳар хил бўлмағур гаплар билан кўнглига ғулу солиши, даволашда фақат ўзининг қобилиятига юқори баҳо бериши охири-оқибатда дардида шифо ўрнига зарар келтириши аниқ.

Шу нуктага назардан ҳозирги кунда шифокорларимиз орасида кам бўлса ҳам учраб турадиган ёмон иллат – беморларнинг ва қариндош-уруғларининг кўнглига хавотир соладиган сўзлар айтиб кўрқитиш, консерватив йўл билан даволаса бўладиган беморларни операция қилишга ундаш каби ҳолатларга йўл қўймайлик инсонлар саломатлиги, пировадар натижада жамияти-сим саломатлиги учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Яхшиноор АЛЛАЁРОВ, Самарқанд давлат тиббиёт институти ходимлар касаббо уюшма қўмитаси раиси, доцент

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖда бошланғич баҳоиси босқичма-босқич ошириб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига «Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 10.10.2019 йилдаги 21-22-53-сонли ҳатига асосан носоз ҳолдаги қуйидаги техникалар қўйилмоқда:

№	Русуми	Т/В тури	Давлат рақисини	Ишлаб чиқариш йили	Жойланган мавзиви	Бошланғич баҳоиси (сўм)
1	САЗ 3307	юк	406840AA	1993	23-пех	13 432 064
2	КС-5363 Д	Махсус (кран)	П38576	1991	23-пех	103 777 975
3	Э-1258	махсус	П 13221	1990	23-пех	107 794 260
4	Э-1203	махсус	П 26707	1970	23-пех	195 026 280
5	ГА3-53	махсус	40 4960AA	1988	13-пех	14 400 029
6	DAMAS VAN	юк	40 8621AA	2010	13-пех	14 054 165
7	ZIL-130	автокран	404030AA	1982	Поп шахри	25 241 040
8	Скрепер	Д377А	Д377А	1989	Ангрен шахри	20 564 184

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 25 ноябры кунгн соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 22 ноябрь соат 16:00.

Талабгорлар диққатини!

Юқорида кўрсатилган техникалар 2019 йилнинг 25 ноябры кунгн аукцион савдосида сотилмаган тақдирда,

такрорий савдолари 2019 йилнинг 6 декабры кунгн соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган техникаларга қизиқиб билдирган талабгорлар «Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг транспорт бўлими вакили иштирокчида бевосита жойива чиқиб қўндан танишишлари мумкин. Савдо солиби деб топилган шахсга 10 (он) иш кунни ичидо сотувчи

билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳоисининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини закат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Орна-банк» Фаргона филиалидаги қуйидаги хисоб-рақамига ўтказиш лозим: Х/Р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753. Мурожаат учун манзил: Фаргона шахри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават; тел: +99855-402-54-75. Ғувоҳнома № 1894.

«Best realtor» МЧЖ Farg'ona mintaqaviy filialida 2019 йил сентябры ойларида ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижаси:

1. Фаргона вилояти, Қўқон шахри, Темур Малик кўчаси, 83-уйда жойлашган бино-иншоотлар 0011, 0014, 0015, 0016, 0017, 0018, 0020, 0021, 0022, 0023, 0024, 0025, 0026, 0027, 0042, 01 01, 0102, 0130, 0131, 0132, 0133 литерлар, бошланғич баҳоиси – 370 457 000 сўм, сотилиш баҳоиси – 393 000 000 сўм. 2. Фаргона вилояти, Богдод тумани, «Иргили» МФЙ, Дашт ҳудудига жойлашган, сойиб «Мустақиллик» пахта тайёрлов максани бино-иншоотлари бир қисми (0018, 0022, 0019 литерлари девор бир қисми (529 метр), бошланғич баҳоиси – 316 550 000 сўм, сотилиш баҳоиси – 335 543 000 сўм. 3. Фаргона вилояти, Риштон тумани, «Зарарлик» МФЙ,

Фаргона кўчасида жойлашган, «Мўъжиза» бино, ишлаб чиқариш цехлари ва оймборлари бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоиси – 44 407 000 сўм, сотилиш баҳоиси – 45 907 000 сўм. 4. Андихон вилояти, Жалақудуқ тумани, Жанубий оламшўш шарҳасида жойлашган, «Санатория чойхонаси Повилон» бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоиси – 9 488 000 сўм, сотилиш баҳоиси – 10 400 000 сўм. 5. Андихон вилояти, Жалақудуқ тумани, Жанубий оламшўш шарҳасида жойлашган, «Фахрийлар савдо дўкони» бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоиси – 9 473 000 сўм, сотилиш баҳоиси – 10 400 000 сўм.

Тошкент шахри, Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.02.2018 йилда №853668 рақам билан рўйхатдан ўтган «SMARTEXPO» МЧЖ (СТИР: 305359030) тугатилади. Давло ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: +99871-267-53-16.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шахри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Баҳоиси келишилган нархда.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iroteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-